

К.Абдуллаева, НамДУ магистранти

Аннотация: *Мазкур мақолада қадимий эпосларимиздан бўлмиш “Алпомиш” достонининг бугунги ёшларимиз тарбиясида тутган ўрни хусусида фикр юритилади.*

Калит сўзлар: *Эпос, достон, Бойсин, Алпомиш, юрт соғинчи, адолат.*

Аннотация: *В данной статье рассматривается роль эпоса «Алпомиш», одного из наших древних эпосов, в воспитании нашей современной молодежи.*

Ключевые слова: *Эпос, эпос, Бойсин, Алпомиш, тоска по дому, справедливость.*

Annotation: *This article discusses the role of the "Alpomish" epic, which is one of our ancient epics, in the education of our youth today.*

Key words: *Epos, epic, Boysin, Alpomish, homesickness, justice*

Ўзбек халқ достонлари жаҳон адабиётида ўзининг юксак ғоявийлиги, бадий камолоти билан алоҳида ўрин тутди. Бу борада “Алпомиш” достонининг ўрни беқиёсдир. Достонда Шарқ халқларига хос бўлган умуминсоний ва миллий қадриятлар, тарбиявий аҳамиятга эга ўғит, панду насиҳатлар кўплаб ўринларда учрайди.

“Алпомиш” ватанпарварлик, қахрамонлик, мардлик, севги, дўстлик ва тўғрилиқ ҳақидаги достон. Унда миллий анъаналар, урф-одатлар, миллий қадриятлар уфуриб туради.

Достон қахрамонлари ўз диёрлари Бойсин-Қўнғирот билан қаттиқ боғланганлар. Улар қаерда бўлмасин ҳар дам, ҳар лаҳза юрт, эл соғинчи билан яшайдилар.

Хусусан, достоннинг бош қахрамони Ҳақимбек, яъни Алпомиш образи юксак маънавий қиёфаси билан ажралиб туради. У-адолатпарвар, элат ва

халқ манфаатига қайишадиган, тўғри сўз, инсофли, ботир йигит. Унинг фаол ҳаракати элати-Қўнғирот уруғини бирлаштириш, тиклаш ҳамда юртини гуллаб-яшнашига қаратилган.

Достоннинг биринчи қисмида кўчиш билан боғлиқ воқеалар тасвирланган. Бойсари ўз юрти Бойсин-Қўнғиротдан Қалмоққа кўчаётган вақтида, Барчиннинг онасига айтган сўзида ва ундан сўнг онасининг эри - Бойсарига айтган сўзларида халқи ва юртига бўлган ватанпарварлик ҳисси яққол намоён бўлади. (Мақолада келтирилган парчалар Алпомиш достонининг Саидмурод Паноҳ ўғли вариантыдан келтирилди¹)

Барчин: Ажал етиб сира одам ўлмайми?

Бориб ул қалмоқдан зулм кўрмайми?

Акасидан қалмоқ яхши бўлдимми?

Отамга насихат берсанг бўлмайми?

Акасидан қалмоқ яхши бўлдимми?

Она:Кўчиб кетиб бунда Бойсин Қўнғиротдан,

Бойсиндаги ўн минг уйли элатдан,

Не хузур топасан бориб қалмоқдан?

Акангдан қалмоқ яхши бўлдимми?

Бу юртдан қалмоққа кўчиб не бўлди?

Воқеалар ривожига кўра Алпомиш адашган уруғдошларини, қолаверса, Ойбарчинни душман таъқибидан қутқариш ва адолат ўрнатиш учун олти ойлик йўл тортиб Қалмоқ юртига боради ва у ерда қалмоқлар билан олишиб, уларни енгиб элатдошларини ва ёрини олиб ўз юрти – Бойсинга қайтади.

Достоннинг иккинчи қисмида эса қаҳрамон яна бир бор қалмоқ юртига қайнотаси-амакисини қутқариш учун сафар қилади. У қалмоқ юртига киришда мастон кампир Сурхайлнинг макрига учраб зиндонбанд қилинади.

Алпомиш зиндонда ётган вақтида ўз юртини, элатини, яқинларини кўп бор ёдга олади. Унинг руҳий кечинмаларида ватанга муҳаббат, уни қўмсаш,

¹ Саидмурод Паноҳ ўғли.Одилхон. Т., «Фан» 1972.

кадрлаш туйғулари услубан гўзал тарзда очиб берилган. Алпомиш зиндон тепасига келиб қўнган қушга қараб шундай сўз айтади:

Асарнинг тоғидан учган сўналар,

Хабар бергин Бойсин-Қўнғирот омонми.

Банди бўлдим қалмоқларнинг қўлинда,

Қолар бўлдим бу қалмоқнинг элинда.

Кўп қушим бор эди Арпалининг кўлинда,

Биздан қолган боқма қушлар омонми.

Умр бўйи ўз элини, юртини севган Алпомиш бандиликдан озод бўлиб, душманларни енгиб, етти йиллик айрилиқдан кейин, интиқлигу хавотирга тўла узок йўлдан Олатоққа етиб, тоғдан Бойсинга назар ташлаб турган ҳолатида ҳам юрт соғинчи, ватан туйғуси каби нозик ҳис-туйғулар ушбу сатрларда самимий ва таъсирчан кўрсатилган:

Тоққа чиқиб шундай қараб турибди,

Ёйлаб ётган Бойсин юртин кўрибди.

Элатини кўриб кўнгли бузилди,

Кўздан ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди.

Юқоридаги сатрлардан кўриниб турибдики, ҳар кимнинг ўз юрти-ўз эли муқаддасдир. Ҳалқимизда “ўз уйинг - ўланг тўшагинг”, “ўзга юртда шох бўлгунча - ўз юртингда гадо бўл ” деган ҳикматлар топиб айтилган.

Ўйлаймизки, ёшларни чин ватанпарвар, маънан баркамол қилиб тарбиялашда “Алпомиш” каби ўлмас эпослар катта аҳамиятга эга, зеро, биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар – маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлардир”